

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Shanasirova Nodira Abdullayevna

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институту “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси, 100000 Ўзбекистон, Тошкент. Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. E-mail: nodirashanasyrova@gmail.com (+99890 328-55-46)

Shafkarov Baxrom Xudoyberdiyevich

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институту “Менежмент” кафедраси доценти И.ф.н., 100000 Ўзбекистон, Тошкент. Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. E-mail: Shafkarovbahrom@gmail.com (+99897-771-202-16)

Xamrayeva Shahnoza Ixamovna

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институту “Менежмент” кафедраси ассистент ўқитувчиси, 100000, Ўзбекистон, Тошкент. Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. E-mail: hamrayevashahnoza@gmail.com (+99893 537-11-29)

Kasimova Nodira Voxodirovna

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислар Институту "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" мутахассислиги 2- курс магистранти 100000 Ўзбекистон, Тошкент. Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. E-mail: nodaxon_2001@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатларни тўғри ҳисоблаш ва назорат қилиш, давлат бюджети харажатлари - давлат маблағлари фондини тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор методологик ва ташкилий-техник вазифаларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби кўриб чиқилади ва улар билан боғлиқ ҳолатлар назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этилган. Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби, харажатлар сметаси, тиббиёт муассасалари маблағлари, бюджетдан таиқари маблағлар, молиявий назорат, асосий фаолият харажатлари, фаолиятдан таиқари харажатлар.

Annotation:

Keywords:

Кириш

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири харажатларни тўғри ҳисоблаш ва назорат қилиш ҳисобланади. Давлат бюджети

харажатлари давлат маблағлари фондини тақсимлаш ва унинг тармоқ, мақсад ва ҳудудий мақсадларга йўналтирилганлиги муносабати билан юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир. Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини такомиллаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ўз ечимини топди. [1]

Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб юритиш бир мунча мураккаб бўлиб, маблағларни ишлаб топиш ва унинг сарфланиши ҳисобини юритиш билан белгиланади. Бюджет ташкилотларида эса, тасдиқланган смета асосида ҳисоб ишларини ташкил этилади, бюджет маблағларининг сарфланиши назорат амалга оширилади.

Шу боис, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бухгалтерия ҳисоби ва харажатларини аниқ назоратидир. Давлат бюджети харажатлари - давлат маблағлари фондини тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир.

Маълумки, асосий воситалар аксарият ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорликка хизмат қилувчи асосий қийматликлар ҳисобланади. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқариш бевосита асосий воситалар билан боғлиқ. Хизматлар соҳасида эса асосий воситалар кўп талаб қилинмаслиги, аксарият харажатлар асосий воситалар билан боғлиқ эмаслигини кўришимиз мумкин. Аммо, шундай соҳалар борки, уларнинг асосий иши хизмат кўрсатиш бўлсада, бевосита асосий воситалардан самарали ва доимий фойдаланишади. Ушбу соҳага асосий воситаларнинг энг замонавий ва самараси юқори бўлганини ишлатилиши юқори самарадорликка эришишига олиб келади. Шундай соҳалардан бири бу соғлиқни сақлаш соҳасидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармонида биноан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.[2]

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилшга қаратилган.

Адабиётлар шарҳи.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ташқи ва ички фойдаланувчиларни ўз вақтида аниқ ва тўлиқ ҳамда ишончли ахборот билан таъминлаш бўлса, унинг вазифалари мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда корхона ва ташкилотларда маълумотлардан ишончли ва тўлиқ бўлишини ҳамда ўз вақтида бўлишини ташкил этишдан иборатдир. Шу боис, ҳисоб юритишда ҳам мазкур мақсад вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ.

Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб юритиш бир мунча мураккаб бўлиб, маблағларни ишлаб топиш ва унинг сарфланиши ҳисобини юритиш билан белгиланади. Бюджет ташкилотларида эса, тасдиқланган смета асосида ҳисоб ишларини ташкил этилади, бюджет маблағларининг сарфланиши назорат амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бухгалтерия ҳисоби ва харажатларини аниқ назоратидир. Давлат бюджети харажатлари - давлат маблағлари фондини тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг асосий вазифалари бўйича тадқиқотчилар ва олимлар томонидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан,

А.В.Федотов бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири харажатларнинг аниқ назорати эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, бюджет харажатлари бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий моҳияти ўзига хос турдаги сифат ва миқдорий жиҳатдан тавсифланиши мумкин бўлган моддий, меҳнат ва пул ресурсларининг ўзига хос турлари билан намоён бўлади. Сифат хусусиятлари бизга иқтисодий характерга эга бўлган ҳар бир турдаги харажатларнинг умумий мақсади ва уларнинг миқдор қийматини ўрнатишга имкон беради. [3]

Л.П. Курочкина эса, соғлиқни сақлаш муассасалари харажатлари ҳақида сўз юритиб, тиббиёт муассасаларида харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш ҳисоб ишларининг энг қийин йўналишларидан бири эканлигини, улар турли хил фаолият турларидан, яъни, бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлардан таркиб топганлигини таъкидлайди. [4]

Умуман олганда харажатлар ҳисобини юритиш масаласи доимий равишда долзарблик касб этиб, ҳар бир тармоқ ёки соҳа хусусиятини инобатга олган ҳолда ташкил этишни зарурият қилиб кўяди. Шу боис, олимлар орасида ҳам харажатларни гуруҳларга ажратиш орқали ҳисобини юритиш бўйича турли фикрлар берилган. Жумладан,

С.В. Свездлик асосий харажатларга қуйидагиларни киритади : [5]
- тайёр маҳсулотларни қадоқлаш харажатлари (омбордаги);

- маҳсулотларни етказиб бериш харажатлари;
 - транспортга ортиш-тушириш харажатлари;
 - воситачи корхоналарга тўланадиган харажатлар;
 - маҳсулотларни омборда ва сотиш жойида сақлаш харажатлари;
 - сотувчиларга тўланадиган иш ҳақи харажатлари;
- маҳсулотларни жўнатишдан олдин анализ қилиш харажатлари;
реклама харажатлари;
- ҳукумат харажатлари;
 - бошқа шу каби харажатлар

Л.В. Эйхлер[6] харажатларни фаолият турлари бўйича гуруҳлаб, асосий фаолият харажатларига, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар, товарларни олиб келиш ва сотиш харажатларини киритади.

И.Т. Абдукаримов харажатларни 2 йирик гуруҳга, яъни, асосий фаолият харажатлари ва бошқа харажатларга бўлишни таклиф этади. [7]

Муаллиф асосий фаолият харажатларига:

- сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи(харажатлар);
- ҳисобот даврида амалга оширилган тижорат харажатлари;
- ҳисобот давридаги бошқариш харажатларини киритади .

Бошқа харажатларга инвестиция, молиявий фаолият ва бошқа фаолият билан боғлиқ харажатларни киритади.

Н.М., Пахновская, Д.А. Ищанова харажатларни молиявий, материал харажатлари ва вақтинчалик харажатларга бўлиб ўрганишни тавсия этади. [8]

Р.Холбеков томонидан тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда донни қайта ишлаш корхоналарида бонификация ва рефакция харажатларини ҳисобини юритишни таклиф этади. Унга кўра бонификация – мол етказиб берувчини рағбатлантириш бўлса, рефакция уни моддий жазолашдир. Аммо, мазмунан мол етказиб берувчини рағбатлантириш корхонага харажат сифатида тан олинсада, уни моддий жазолаш харажат сифатида тан олинishi етарлича асосланмаган . [9]

М.Б.Калонов эса, харажатларни тармоқ ва соҳалар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда туркумлашни тавсия қилган ҳолда корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар ва фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатларга бўлиш орқали ҳисобни ташкил этишни тавсия этади.

Муаллиф, корхона фаолияти билан боғлиқ харажатларга режалаштирилган, мақсадли фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатларни киритиш лозим. Бундай харажатлар таркибига асосий фаолият харажатлари, инвестицион фаолият харажатлари, молиявий фаолият харажатлари, бошқа фаолият харажатларини киритиш тавсия этилган. Фаолият билан боғлиқ бўлган харажатларни асосий фаолият харажатлари ҳамда бошқа фаолият харажатларига бўлиш лозимлиги, асосий фаолият харажатларига корхонанинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий фаолият тури бўйича қилинган харажатлар ҳисобга олиниб, бошқа фаолият харажатларига

асосий фаолиятга алоқаси бўлмаган бошқа фаолият харажатларини киритиш кераклиги келтирилган. Асосий фаолият харажатларига сотилаётган маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажатлар киритилса, бошқа фаолият харажатларига қонунчиликка мувофиқ рухсат этилган, одатдаги фаолиятига боғлиқ бўлмаган харажатлар киритиш, яъни, бундай харажатларга молиявий фаолият бўйича қилинган харажатлар, инвестициявий фаолият бўйича қилинган харажатларни киритиш лозимлиги таъкидланган.

Фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатларга эса, режалаштирилмаган, мақсадли бўлмаган харажатларни киритишни тавсия этади.

3. Қурбанов, А.Олимовлар саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратишади : [10]

1. Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича;
2. Харажатларни калькуляцион моддалари бўйича.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича харажатлар сметасини ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек штатлар жадвалини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби билан белгиланган.

Мазкур тартибга кўра асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- харажатлар сметаси — ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади;

- бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета — ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади;

- харажатлар моддаси — бюджет таснифининг қисми бўлиб, Давлат бюджетига харажатларининг иқтисодий тайинланиши ва тўловларни аниқ турларини ифодалайди;

- вақтинчалик харажатлар сметаси — ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

тўғрисидаги низом” Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2157 сон билан рўйхатдан ўтказилган. Унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охириги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс этирилади; - бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари — қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар.

Штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат birlikлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган барча қўшимча харажатларга ташкилотларнинг харажатлар сметаларига қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади. Келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Харажат сметалари бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёгга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир: - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий норматив ҳужжатларига; - бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришнинг норматив услубига; - товар ва хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига, шунингдек нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг айрим товарлари ва хизматлари баҳоларига; - Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари, тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларининг ўзига қаршли ташкилотларнинг келгуси йил учун харажатлар сметаларини тузиш масалалари бўйича кўрсатмалари ва таклифларига, агарда улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса. Жумладан: - Харажатлар сметасига иш қаки учун маблағлар бюджет тўғрисидаги маошлари ва иш ҳаққи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва нормативларга риоя қилишдан келиб чиқиб амалга оширилади. Хўжалик усули билан бажариладиган ишлар учун иш ҳаққи сметаларга бюджет йили харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

Соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий-маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган ташкилотларнинг айрим турлари учун

белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш кунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади;


- дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда - ҳар бир жой кунга, шифохоналарда - шифокорга ҳар бир киришга белгиланади, агар қонун ҳужжатларида бошқаси кўрсатилмаган бўлса;

- ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойафзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёрлар нормалари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида, ҳисоб ишлари амалга оширилади;

Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларнинг бюджет маблағларидан ташқари қоплашнинг бошқа манбаларига эга бўлган ташкилотларлар ҳам қўшимча даромадлар ва улардан келиб чиқадиган харажатларга сметалар тузадилар.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида алоҳида ўрин тутди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, соғлиқни сақлаш тизими тиббий муассасаларнинг турли шакллари ва ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари билан самарали фаолият кўрсатади.

Юқоридаги кўрсаткичларимиз шуни кўрсатмоқдаки, соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфи, асосан бюджет ташкилотларига маблағларни йўналтирилиши ҳисобига амалга оширилади.



1-расм. Соғлиқни сақлаш тизимига давлат томонидан ажратилган маблағлар сарфи¹

Юқоридаги кўрсаткичларимиз шуни кўрсатмоқдаки, соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар сарфи, асосан бюджет ташкилотларига маблағларни йуналтирилиши ҳисобига амалга оширилади.

Масалан, 2010 йилда 1716, 5 млрд.сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 14977,4 млрд.сўмни кўрсатмоқда. Яъни 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 114.6 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса давлат томонидан соғлиқни сақлашга қаратилганлигидан далолат беради. Бу маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ва улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантирилиши уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб юқоридаги маълумотларга таяниб фикрлаганимизда, соғлиқни сақлаш тизимида узлуксиз молиявий назоратни таъминлашдан асосий мақсад давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам кўрсатиш учун ажратилаётган молиявий ресурсларидан янада самарали фойдаланишдир.

Молиявий назоратнинг бундай олиб борилишидан мақсади аниқ, агар биз мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ишлаш самарадорлигини оширишни мақсад қилган эканмиз. Бу сифат ходимлар малакаси, технологик устунлик, инновацияларнинг доимий жорий қилиниши билан бир қаторда

¹ Stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

молиявий назорат каби фаолиятларнинг тўғри ташкил этилиши билан ҳам боғлиқлиги маълум бўлаяпти. Мамлакатимизда давлат бюджети харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган харажатлар суммаси ҳам Давлат бюджети харажатлари қисмида доимий равишда келтириб борилади, жумладан, 2016-2018 йиллар кесимида 1-жадвалда жами харажатлар ва ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари келтирилган.

1-жадвал

Жами харажатлар ва ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларини (млрд.сўм)²

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2016	2017	2018
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш	22 766,0	27 009,3	34 664,0
Маориф	13 831,7	15 979,6	19 504,3
Соғлиқни сақлаш	5 811,6	7 330,0	9 562,0
Маданият ва спорт	460,6	750,2	1 165,4
Фан	238,2	275,5	389,3
Ижтимоий таъминот	161,1	435,3	714,0
Ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари	2 043,2	2 238,4	3 150,8
Харажатлар жами	40 911,3	49 343,7	62 170,0

1-жадвалдан кўришиб турибдики, Давлат бюджетидан ажратилаётган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 2016 йилдан 2018 йилгача доимий равишда ўсиш тенденциясига эга. Соғлиқни сақлашга ажратилаётган харажатларнинг улуши ҳам мутассил ошиб борган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган харажатлар таркибида маорифдан кейинги катта улуш айнан соғлиқни сақлаш тизимига тегишли бўлиб, 2016 йилда 5 811,6 млрд.сўмдан 2018 йилга 9 562,0 млрд.сўмга, яъни жами харажатларнинг таркибидаги улуши 14,2 фоиздан 15,4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Тиббиёт ташкилотларининг маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш даромадлари;

тиббиёт ташкилотларига ажратиладиган бюджет ҳажмининг умумий ҳажмининг 5 фоизгача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад ;

² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016-2018 йиллардаги бюджет маълумотлари асосида тайёрланган.

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар.

Тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилоти тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобига шаклланади.

Бизнинг фикримизча, даромад ва харажатлар сметасига мувофиқ келадиган даромадларни ва олинган маблағларни мақсадли мақсадларда ишлатилишини назорат қилиш имконини берадиган маълум таҳлилий ҳисобга олинган даромадларнинг ҳар бир турини акс эттириш зарур.

Юқорида биз томонимиздан айнан бюджетдан таъминланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларида даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш масалаларини кўриб ўтдик. Аммо, республикамизда тиббиёт муассасалари хусусий секторда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Хусусий тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларники каби амалга оширилади. Яъни бу бўйича муаммо камдан кам учрайди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, соғлиқни сақлаш муассасаларида биргаликда молиялаштиришда айрим муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар биргаликда молиялаштириш, яъни бир вақтнинг ўзида бюджетдан маблағ ажратилиши ҳамда пуллик хизматлардан маблағ тушиши билан боғлиқ.

Аксарият ҳолларда харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан қилиниб, айрим харажатлар ўзини-ўзи молиялаштириш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш, бунда пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қилинган харажатлар ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш мақсадга мувофиқ.

2. Асосий восита ва бошқа қийматликларни харид қилиш, таъмирлаш ва бошқа харажатларини ҳам хизматлардан тушган маблағлар манбаини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

3. Тиббиёт соҳасидаги асосий воситаларни маънавий эскиришини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун эса, ҳар йили қуйидаги босқичдаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳар бир тиббий асосий воситадан фойдаланиш муддати бўйича алоҳида норматив ишлаб чиқиш, бунда асосий воситадан фойдаланиш мумкин бўлсада, унинг санитар-гигиеник ҳолати бўйича ҳисобдан чиқариш чоралари ва нормативини белгилаб қўйилиши лозим;

-тиббий асосий воситадан фойдаланиш нормасини белгилаш;
-тиббиёт муассасаларидаги асосий воситаларни маънавий эскириш даражасини аниқлаш чораларини кўриш.

Биз томонимиздан берилган таклифларнинг амалга оширилиши, тиббиёт муассасалари биргаликда молиялаштирилишида харажатлар ҳисобининг аниқ ва тўлиқ юритилишига, маблағлардан самарали фойдаланилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги“Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизми ҳамда давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги президент Қарори.Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли ФармониLex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Федотов А. В. Организация аудита эффективности использования бюджетных средств по содержанию учреждений здравоохранения. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. -2006. № 22.
4. Курочкина Л. П. Учет затрат и калькулирование себестоимости услуг в бюджетном учреждении/ Л. П. Курочкина// Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. — 2007. - № 7.
5. Свердлик С.В. Отчет о финансовых результатах: содержание и техника построения. // бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях 23 (2015) 2–11.
6. Эйхлер Л.В., А.С. Стринковская. Диагностический анализ результатов деятельности грузовых ав-тотранспортных предприятий в условиях нестабильной бизнес-среды Монография. Омск, 2011. 35-бет.
7. И.Т.Абдукаримов. Отчет о прибылях и убытках – основной источник информации для мониторинга и анализа финансовых результатов предприятия. // Актуальные вопросы экономики и управления. № 1 (047), 2013.

8. Пахновская Н.М., Ищанова Д.А. развитие методов управления затратами в системе финансового управления автотранспортного предприятия. / Вестник ОГУ №14 (175)/декабрь `2014. С-319-323.
9. Холбеков Р.О. Доннинг сифат харажатлари ва улар ҳисобини ташкил этишнинг услубий асослари//. Иқтисодиёт ва таълим. 1/2017.
- 10.Курбанов З., Олимов А. Пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот таннархининг таҳлилини такомиллаштириш//. Молия. 6/2015.